

Ҳадис дарслари (220-дарс) Истинжо шаръий ҳукм экани

Ҳадис
ДАРСЛАРИ

220-ДАРС

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг «Ҳадис ва ҳаёт» туркум китоби асосида бериб борилади. Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат қилиш тавсия этилади.



19:00 / 01.03.2023 2427

هُنَعُ هَلْ لَّا يَضَرَّ رِيَّهَ يَبَّأَنْع
هُلْ لَّا يَلَّصَّ يَبَّنْ لَّا تُغَبَّتَا لَاق
نَاكَفَ، هِتَجَاحَلَجَرْخَوَمَلَسَوُهَيْلَع
لَاقَفُ، هَنْمُتُونَدَفُ، تِفَتَلِي آل
وَأَهْبُضْفَنْتَسَا أَرَاخَحَ أَيْلِعُ بَا
يُتُورَ آلَوِمْ طَعَبُ يَنْتَاتَ آلَوُ، هَوْحَن
فَرَطُ يَفِ رَاخَحَ أَبُ هُتَيْتَ أَف
هَبَّنَجَ يَلْ إَاهُتُ غَضَوَفُ، يَبَايْث

هُعَبْتَأِىَضَقْ أَمَلَفُ، هُنَعُتْضَرَعُ أَوْ يِرَاخُ بُلْأُ هَأَوْرُ. نِوِبُ

195. Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам ҳожатларига чиққан эдилар, ортларидан бордим. Одатда у зот ортларига қарамас эдилар. У зотга яқинлашган эдим, менга:

«Тошлардан олиб кел, улар билан истинжо қиламан, (ёки шунга ўхшашроқ гап айтдилар) суюк ёки тезак олиб келма», дедилар. Кийимимнинг этагига тош солиб келтириб, ёнларига қўйдим ва ўгирилиб кетдим. У зот қазои ҳожат қилиб бўлиб, уларни ишлатдилар».

Бухорий ривоят қилган.

Ушбу ҳадиси шарифдан қазои ҳожат ва истинжога тегишли бир неча нарсаларни ўрганиб оламиз.

1. Раҳбар, устоз кишилар қазои ҳожатга қўзғалганда кичиклар ва шогирдлар Абу Хурайра розияллоху анхуга ўхшаб, ҳушёр бўлиб, ёрдамга ошиқишлари зарурлиги.

2. Ана шундай вақтда катталарнинг изнисиз ҳам ортларидан бориш мумкинлиги. Чунки Абу Хурайра розияллоху анху Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг изнларисиз ортларидан бордилар.

3. Раҳбар ва устоз кишилар ўз атбоъ ва шогирдларини хизматга буюришлари жоизлиги. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам Абу Хурайра розияллоху анхуга тош келтиришни амр қилдилар.

4. Истинжо шаръий ҳукм экани.

Имом Шофеъий, Имом Аҳмад ва бошқалар «Истинжо – вожиб», деганлар.

Имом Абу Ҳанифа эса «Суннат», деганлар.

5. Тошлар билан истинжо қилиш жоизлиги. Уламоларимиз «Тош учтадан кам бўлмаслиги керак», дейдилар.

6. Тош билан истинжо қилиш шарт эмаслиги. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шароитларида тош кўп бўлганлиги, уни топиш осонлиги учун Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳуга тош олиб келишни амр қилганлар. Бу, тошдан бошқа нарса ярамайди, дегани эмас.

Истинжо қилиб бўлмайдиган нарсалар – суяк ва тезакни номма-ном алоҳида айтганларидан истинжо учун тошдан бошқа нарса ҳам ишлатилиши мумкинлиги келиб чиқади. Тошнинг ўрнига ҳар бир қуруқ, пок, артишга ярайдиган ва эъзозсиз нарса бўлаверади.

7. Суяк ва тезак билан истинжо қилиб бўлмаслиги. Шунингдек, бу икки нарсанинг хусусиятларига эга бўлган нарсалар билан ҳам истинжо қилиб бўлмайди. Суяк – таом чиқиндиси, тезак – ҳайвон чиқиндиси ҳисобланиши эътиборидан шу гап айтилган. Баъзи уламолар «Таом, кўмир, шиша, латта, дарахт баргига ўхшаш нарсалар билан истинжо қилиш ҳам макруҳ», деганлар.

Шундай бўлгач, фойдали нарсалар билан истинжо қилинмаслиги ўз-ўзидан маълум.

Баъзи қадимги уламоларимиз «Қоғоз билан истинжо қилиш макруҳ», деганлар. Чунки уларнинг вақтида қоғоз камёб бўлган. Ҳозир ҳам фойдаланадиган қоғоз билан, хусусан, ёзуви бор қоғоз билан истинжо қилишга рухсат берилмайди. Аммо истинжо учун алоҳида тайёрланган қоғоз билан тозаланишга ҳамма уламолар рухсат берганлар. Чунки у шу мақсад учун махсус тайёрлангандир.

8. Қазои ҳожат қилаётган одамга қарамай, ундан тескари ўгирилиб туриш кераклиги. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу шундай қилдилар.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби 4-жузи асосида тайёрланди.